

**“IMPEX INSURANCE” Aksiyadorlik jamiyati Sug’urta tashkiloti**  
**акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг**  
**2 - сонли Б А Ё Н Н О М А С И**

Тошкент ш.

31 август 2022 йил

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кичик халқа  
автомобиль кўчаси, 38-а уй

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи  
акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони **35 000 000**

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри  
тузилган сана **10 август 2022 йил**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш;
2. Акциядорлар навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
3. Қўшимча акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида;
4. Жамият устав капиталини ошириш;
5. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисида;
6. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш тўғрисида;
7. Жамият томонидан харид қилиниши режелаштирилган кўчмас мулкни “Smart Consultant and Service Group” МЧЖ томонидан баҳоланиши тўғрисида;
8. Жамият аффилиланган шахси билан битим тузиш тўғрисида;
9. Жамиятнинг ички норматив ҳужжатларини тасдиқлаш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича:**

Йиғилиш раиси Д.Алланазаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкидлади.

Шунга асосан, Палванов Шароф Гуламович, Нарзуллаев Элёржон Раббимович ва Атахонова Наргиза Мурод кизилардан иборат санок комиссияси тузилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси аъзоларининг сони ва таркибини тасдиқлаш бўйича бюллетень орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 35 000 000 та овоз (100 фоиз);

“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

1. Санок комиссияси аъзоларининг сони ва таркибини тасдиқлаш бўйича акциядорлар умумий йиғилиши **қарор қилади:**

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг санок комиссияси уч кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- Ш.Палванов;
- Э.Нарзуллаев;
- Н.Атахонова.

### **Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича:**

Йиғилиш раиси Д.Алланазаров сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибидаги масала маърузаси ва муҳокамаси учун 15 дақиқагача, овозларни санаб чиқиш ва санок комиссиясининг овоз бериш яқунлари бўйича ҳисоботи эшитиш учун 5 дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб ўтди.

Шунга асосан, Жамият акциядорларидан бугунги умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 35 000 000 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

### **2. Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш масаласи бўйича акциядорлар умумий йиғилиши қарор қилади:**

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

### **Кун тартибидаги учинчи масала бўйича:**

Йиғилиш раиси Д.Алланазаров сўзга чиқиб, жамият томонидан умумий қиймати 10 000 000 000,00 (ўн миллиард) сўмлик номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 10 000 000 (ўн миллион) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акцияларининг қўшимча чиқарилиши режалаштирилаётган акцияларни олишда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан қўшимча акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқ қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилиниши мақсадга мувофиқлигини билдирди.

Шунга асосан, Жамият акциядорларидан қўшимча акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик ҳақидаги масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 35 000 000 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

### **3. Қўшимча акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик масаласи бўйича акциядорлар умумий йиғилиши қарор қилади:**

Жамият томонидан умумий қиймати 10 000 000 000,00 (ўн миллиард) сўмлик номинал қиймати 1 000 (бир минг) сўм бўлган 10 000 000 (ўн миллион) дона эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги оддий акцияларининг қўшимча чиқарилиши режалаштирилаётган акцияларни олишда имтиёзли ҳуқуқ қўлланилмасин.

### **Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича:**

Йиғилиш раиси Д.Алланазаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.08.2019 йилдаги ПҚ-4412-сонли “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг 3-иловасига мувофиқ 2022 йилнинг 1 июль кунидан суғурта ташкилотлари томонидан қайта суғурта фаолияти билан шуғулланиш учун устав капиталининг минимал миқдори 45,0 млрд бўлиши лозимлиги белгиланганлигини, бугунги кунда жамиятнинг шакллантирилган устав капитали миқдори 35,0 млрд. сўмни ташкил этишини ҳамда жамият томонидан қайта суғурталаш фаолияти билан шуғулланиш учун жамият устав капиталини қўшимча 10,0 млрд. сўмга ошириш лозимлигини қайд этиб ўтди.

Шунга асосан, акциядорлардан жамият устав капиталини ошириш масаласи юзасидан ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**  
**“Ёқлаганлар” – 35 000 000 та овоз (100 фоз);**  
**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**  
**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

**4. Жамият устав капитални ошириш масаласи бўйича акциядорлар умумий йиғилиши қарор қилади:**

Жамият устав капитални 10,0 млрд сўмга оширилсин.

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича:**

Жамият қўшимча акциялар чиқарилиши бўйича қарор қабул қилиниши учун Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги қонунларига асосан белгиланган тартибда акциялар чиқарилишини амалга ошириши ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаши лозимдир.

Шу муносабат билан, Йиғилиш раиси Д.Алланазаров сўзга чиқиб, кун тартибидаги тўртинчи масалада муҳокама қилинганидек жамият устав капитални ошириш учун қўшимча умумий киймати 10 000 000 000 сўм миқдорда инвестиция киритилиши маълум қилинганлигини айтиб, номинал киймати 1 000 сўм бўлган, 10 000 000 дона қўшимча оддий акциялар чиқарилиши қуйидаги тартиб ва шартларда амалга ошириш таклиф этилади:

- ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият акциядорлари ўртасида:

8 750 000 (саккиз миллион етти юз эллик минг) донаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси Allanazarov Daniyar Taxirovichga (паспорт маълумотлари: AA7729331, 24.11.2014 йилда Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани ИИБ томонидан берилган) ва 1 250 000 (бир миллион икки юз эллик минг) донаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси Gulyamova Gulmira Urunbayevnaga (паспорт маълумотлари: AA3116782, 09.10.2013 йилда Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ИИБ томонидан берилган) ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади;

- мазкур чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил ичида жойлаштирилади;
- жойлаштиришни бошланиш санаси: мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун;
- жойлаштиришни тугаш санаси: ушбу чиқарилишнинг охириги акцияси жойлаштирилган кун ҳисобланиб, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

- Акцияларни жойлаштириш фуқаролик-ҳуқуқий битим тузилган ҳолда биржадан ташқари уюлмаган қимматли қоғозлар бозорида амалга оширилади. Бунда андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган;
- ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар 1 000 сўмдан жойлаштирилади;
- Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларга тўлов жамиятнинг банк ҳисоб рақамига нақдсиз шаклдаги пул маблағлари ўтказиш йўли орқали амалга оширилади;
- Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда 10 кун ичида қайтарилади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига асосан ушбу масала бўйича акциядорлардан овоз беришлари сўралди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**  
**“Ёқлаганлар” – 35 000 000 та овоз (100 фоз);**  
**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**  
**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

## **5. Қўшимча акциялар чиқариш масаласи бўйича акциядорлар умумий йиғилиши қарор қилади:**

Жамият устав капиталини ошириш учун қўшимча умумий қиймати 10 000 000 000 сўм миқдорда инвестиция киритилиши маълум қилинганлигини айтиб, номианл қиймати 1 000 сўм бўлган, 10 000 000 дона қўшимча оддий акциялар чиқарилиши қуйидаги тартиб ва шартларда амалга оширилсин:

- ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият акциядорлари ўртасида:

8 750 000 (саккиз миллион етти юз эллик минг) донаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси Allanazarov Daniyar Taxirovichга (паспорт маълумотлари: AA7729331, 24.11.2014 йилда Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани ИИБ томонидан берилган) ва 1 250 000 (бир миллион икки юз эллик минг) донаси Ўзбекистон Республикаси фуқароси Gulyamova Gulmira Urunbayevnaga (паспорт маълумотлари: AA3116782, 09.10.2013 йилда Тошкент шаҳар, Олмазор тумани ИИБ томонидан берилган) ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади;

- мазкур чиқарилишдаги акциялар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир йил ичида жойлаштирилади;
- жойлаштиришни бошланиш санаси: мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун;
- жойлаштиришни тугаш санаси: ушбу чиқарилишнинг охириги акцияси жойлаштирилган кун ҳисобланиб, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб бир йилдан ошмаслиги лозим.

Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

- Акцияларни жойлаштириш фуқаролик-ҳуқуқий битим тузилган ҳолда биржадан ташқари уюлмаган қимматли қоғозлар бозорида амалга оширилади. Бунда андеррайтерларни жалб қилиш кўзда тутилмаган;
- ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акциялар 1 000 сўмдан жойлаштирилади;
- Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Ушбу чиқарилишдаги акцияларга тўлов жамиятнинг банк ҳисоб рақамига нақдсиз шаклдаги пул маблағлари ўтказиш йўли орқали амалга оширилади;
- Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликда белгиланган тартибда 10 кун ичида қайтарилади.

### **Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича:**

Йиғилиш раиси Д.Алланазаров сўзга чиқиб, қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор лойиҳасини ўқиб эшиттирди ва акциядорлардан қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш масаласида ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

#### **Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 35 000 000 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршиллар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

## **6. Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш масаласи бўйича акциядорлар умумий йиғилиши қарор қилади:**

Қўшимча акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ловага мувофиқ тасдиқлансин.

### **Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича:**

Йиғилиш раиси Д.Алланазаров сўзга чиқиб, компания фаолияти жорий йилнинг ўтган 8 ойи давомида сезиларли даражада ошганлигини, бироқ мазкур фаолият самарадорлигини янада ошириш, кадрларга замонавий иш ўрни яратиб бериш мақсадида кўчмас мулк шаклида бино харид қилиш лозимлигини, ҳозирда Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Аския кўчаси, 26-уй манзилида жойлашган 400,0 кв.м. ер майдонида жойлашган, умумий майдони 815,10 кв.м. бўлган турар жойнинг фуқаро Гулямова Гулмира Урунбаевнага тегишли қисми, яъни унинг 50 фоизи харид қилиниши режалаштирилаётганлиги сабабли, ушбу кўчмас мулк “Smart Consultant and Service Group” МЧЖ томонидан баҳоланиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтди.

Шунга асосан, Жамият акциядорларидан харид қилиниши режелаштирилган кўчмас мулкни “Smart Cansultant and Service Group” МЧЖ томонидан баҳоланиши ҳақидаги масала юзасидан ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 35 000 000 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

7. Жамият томонидан харид қилиниши режелаштирилган кўчмас мулкни “Smart Cansultant and Service Group” МЧЖ томонидан баҳоланиши масаласи бўйича акциядорлар умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият томонидан харид қилиниши режелаштирилган кўчмас мулкни “Smart Cansultant and Service Group” МЧЖ томонидан баҳолансин.

**Кун тартибидаги саккинчи масала бўйича:**

Йиғилиш раиси Д.Алланазаров сўзга чиқиб, кун тартибидаги еттинчи масалада кўрсатилган кўчмас мулк фуқаро Гулямова Гулмира Урунбаевнага тегишли эканлигини, ушбу фуқаро эса жамиятнинг акционери ҳисобланиб, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг 26.08.2022 йилги маълумотга кўра 25.08.2022 йил ҳолатига “Imprex-Insurance” АЖ СТ акционерлар реестрида Гулямова Гулмира Урунбаевна 32 500 000 дона оддий акцияларга эга бўлиб, унинг компаниядаги улуши 92,8 фоизни ташкил қилишини ва аффилиланган шахс ҳисобланишини инobatга олиб, Гулямова Гулмира Урунбаевна билан кўчмас мулк олди-сотди шартномаси тузиш лозимлигини қайд қилиб ўтди.

Шунга асосан, Жамият акциядорларидан Гулямова Гулмира Урунбаевна, яъни аффилиланган шахс билан битим тузиш масаласи юзасидан ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 500 000 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

8. Жамият аффилиланган шахси билан битим тузиш масаласи бўйича акциядорлар умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият аффилиланган шахси билан битим тузилсин.

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича:**

Йиғилиш раиси Д.Алланазаров сўзга чиқиб, жамиятнинг фаолиятини йўлга қўйиш учун қўйидаги норматив ҳужжатларни тасдиқлаш лозимлигини айтиб ўтди:

1. “Акциядорларнинг умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом;
2. “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом;
3. “Манфаатлар тўқнашувида ҳаракатлар тартиби тўғрисида”ги Низом;
4. “Ички назорат тўғрисида”ги Низом;
5. “Ахборот сиёсати тўғрисида”ги Низом;
6. “Дивиденд сиёсати тўғрисида”ги Низом;
7. “Бошқарув ва назорат органлари ҳисоботларига талаблар тўғрисида”ги Низом;
8. “Йирик битимларни тузиш тўғрисида”ги Низом;
9. “Аффилиланган шахсларнинг ҳисобини юритиш ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тартиби тўғрисида”ги Низом.

Йиғилиш раиси юқорида кўрсатилган хужжатлар лойиҳаларини ўқиб эшиттириб, акциядорлардан уларни тасдиқлаш масаласи юзасидан ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 35 000 000 та овоз (100 фоиз);**

**“Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” - йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

**9. Жамиятнинг ички норматив хужжатларини тасдиқлаш масаласи бўйича акциядорлар умумий йиғилиши қарор қилади:**

Жамиятнинг ички норматив хужжатлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганлигини инобатга олган ҳолда, бугунги йиғилиш ёпиқ деб эълон қилинди.

Йиғилиш раиси:



Д.Алланазаров

Йиғилиш котиби



К.Эгамбердиев